

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **442** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва фамлаш корхоналари уюшмаси — «Ўзбекизоқовқатзахира»ни ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 8 апрелдаги ПҚ–2517-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти вазифасини бажарувчи**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 16 сентябрь,  
ПФ–4841-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги  
ПФ–4841-сонли Фармонида  
1-ИЛОВА

#### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 6 мартдаги ПҚ–300-сонли қарорида:

а) кириш қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Истеъмол товарлари улгуржи савдосини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида»;

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига:

Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси — «Ўзбекизоқовқатзахира» таркибига кирувчи мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналарини давлат рўйхатидан ўтказиш;

Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси — «Ўзбекизоқовқатзахира» таркибига кирувчи мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналарига истеъмол товарлари улгуржи савдосини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш»;

в) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 31 майдаги ПҚ-360-сонли қарори 9-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналар уюшмаси — «Ўзбекизоқовқатзахира», «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компанияси қишлоқ туманлари аҳолисини, айниқса олис ва тоғли туманларда жойлашган аҳоли пунктларини ўсимлик ёғи билан, унинг нархи асосиз қимматлашувига йўл қўймаган ҳолда, барқарор таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли қарорида:

а) 5-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«улгуржи савдо корхоналари учун (улгуржи дорихона ташкилотлари, мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси — «Ўзбекизоқовқатзахира» таркибига кирувчи мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари) — ўтказилган ҳар бир савдо операциясидан тушадиган сумманинг 5 фоизи миқдорида ягона солиқ тўлови бўйича аванс тўловларини тўлаш тартиби жорий этилсин, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно»;

б) 30-илованинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарорида:

а) 2-илованинг «Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси» қаторидаги «Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси» сўзлари «Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналар уюшмаси «Ўзбекизоқовқатзахира» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-илованинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 23 июлдаги ПҚ-2374-сонли қарори 5-иловасининг «Мувофиқ-

лаштирувчи вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари» бўлимидаги «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси» сўзлари «Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси — «Ўзбекизоқовқатзахира» сўзларига алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги  
ПФ-4841-сонли Фармониغا  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган баъзи ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи ва чакана савдо-ни либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 февралдаги ПФ-3722-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2009 йил 27 февралдаги ПФ-4087-сонли Фармони иловасининг 11-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2011 йил 23 майдаги ПФ-4311-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 8 июндаги ПҚ-374-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мевасабзавоттайёрлов-савдо» ихтисослаштирилган ҳудудий компанияларни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 9 ноябрдаги ПҚ-1638-сонли қарорининг 1-банди.